O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

**Ислом КАРИМОВ:**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ МАФКУРАСИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МАНА ШУ МИНТАҚАДА, ЁН-АТРОФДАГИ ДАВЛАТЛАР ОРАСИДА ВА ЖАҲОН МИҚЁСИДА ЎЗИГА МУНОСИБ ЎРИННИ, ЯНА ҲАМ АНИҚРОҚ АЙТАДИГАН БЎЛСАК, ЎЗИНИНГ ИХТИСОСИНИ ТЎҒРИ ВА ХОЛИСОНА АНГЛАБ, ШУ АСОСДА ИЗЧИЛ ҲАРАКАТ ҚИЛИШИМИЗ УЧУН ХИЗМАТ ЭТИШИ ЗАРУР.**

МУСТАҚИЛЛИК 1991 9 2000


# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI ❑ GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

2000 ЙИЛ ❑ 8 ИЮЛЬ ❑ ШАНБА
№ 77 (26627)


## ЎЗБЕКИСТОН МЕВАЛАРИ ЖАҲОН БОЗОРИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилингач, мамлакатимизда экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналар фаолиятига эътибор кучайди.

Дунёнинг 48 та мамлакатида фаолият юритаётган «Бета» компанияси 1999 йил Ўзбекистонда ҳам ўз шохобчасини очди. «Бета Алгоритм» масъулияти чекланган корхонада 100 дан ортиқ аҳоли иш билан таъминланди. Айни кунларда ушбу корхонада мош, гуруч, ерёнғоқ, бодом, нўхат ва бошқа турдаги қуруқ мевалар қадоқланиб, хорижга экспорт қилинмоқда. Бундан ташқари, Шри-Ланкадан келтирилган қуруқ чой қадоқланиб, ички бозор талаби қондирилмоқда.

— Европадаги Германия, Франция, Россия, Кавказорти ва Марказий Осиё каби дунёнинг турли чеккаларида ишлаб чиқариш корхоналари ва савдо шохобчаларига эга бўлган «Бета» компанияси учун Ўзбекистоннинг қуруқ меваларига харидор топиш қийин бўлмади. Шу кеча-кундузда Бишкекда очилиши кутилаётган «Бета Сторс» гроссмаркети фикримизнинг яққол далилидир. Ушбу хизмат кўрсатиш иншоотида Марказий Осиё бўйлаб «Бета» компаниясининг бўлимлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сотилади. Ўз-ўзидан маълумки, улар орасидан «Бета Алгоритм» корхонасида бежирим қилиб қадоқланаётган қуруқ меваларимизнинг ўрин олиши ҳам табиийдир, — дейди «Бета Алгоритм» масъулияти чекланган чет эл корхонаси раҳбари Махсун Тул.

Тошкент шаҳрининг Алгоритм мавзесида қад кўтарган ушбу корхона Германиянинг «Перепок», Испаниянинг «Продек», Япониянинг «Ямато» фирмалари томонидан ишлаб чиқарилган замонавий техникалар билан жиҳозланган. Ушбу техникалар бир кунда 30 тонна мош, 30 тонна майиз қадоқлаш қувватига эгадир. Ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжнинг ўсиб бораётганлиги сабаб, шу яқин кунларда ишлаб чиқаришнинг турлари кенгайтирилиши ва яна 150 та янги иш ўринлари очилиши режалаштирилмоқда.

■ **Азамат ТЎРАЕВ**

## ТЕМИР ЙЎЛЛАР УЗАЯДИ

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли Оҳангарондаги «Эйвалекмахсустемирбетон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти уч сменада ишлашга ўтди, — деб ёзади **мухбиримиз Соҳибжон Салимов.** — Натижада бир кеча-кундузда мамлакатимиз темир йўллари қурилиши учун зарур бўлган темир-бетон шпаллари сони 2-2,5 минг донага етди. Корхона маҳсулотлари 440 километрли «Навоий — Учқудуқ — Султонувайстоғ — Нукус» ҳамда «Учқудуқ — Мискен» йўналишидаги темирйўл қурилишларида ишлатилмоқда. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида ишлаб чиқариш ҳажми икки баробарга кўпайиб, 40 миллион сўмга етди.

**ҲДП ХАБАРИ**

## МАРКАЗИЙ КЕНГАШДА УЧРАШУВ

2000 йилнинг 6 июль куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Вьетнам Социалистик Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Нгуен Куок Бао қабул қилинди. Марказий Кенгаш биринчи котиби А. Жалолов вьетнамлик меҳмонга партиянинг мамлакатимизда, республика Президенти И.А.Каримов раҳбарлигида, амалга оширилаётган ўзгаришлардаги иштироки, унинг ташкилотларининг ҳозирги шароитдаги фаолияти тўғрисида гапириб берди.

Элчи ўз мамлакатидаги бунёдкорлик ишлари ҳақида ахборот бериб, Вьетнам билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстона алоқаларнинг янада ривожланишига ишонч билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиблари И. Кочмарик ва А. Рустамов иштирок этдилар.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

## «ВОИЗ» ФИЛЬМИ ГЕРМАНИЯДА

Германиянинг Тюбинген ва Штутгарт шаҳарларида Ўрта ер денгизи мамлакатларининг VIII кинофестивали бўлди. Бу йилги фестивалда биринчи марта Марказий Осиё республикалари киноижодкорлари ҳам ўз асарлари билан қатнашдилар.

Кинофестивалда намойиш этилган Юсуф Розиқовнинг «Воиз» фильми германиялик томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Маълумки, мазкур фильм дунёнинг бошқа давлатларида ҳам ўтказилган қатор кинофестивалларда намойиш этилган ва қимматбаҳо совринлар билан тақдирланган.

«Ўзбекистонда кино санъатининг тараққиёти учун яратиб берилаётган қулай имкониятларни Марказий Осиёнинг бошқа республикалари кино усталари фақат орзу қилишлари мумкин. «Воиз» фильми Ўзбекистон киноижодкорлари маҳоратини оламга ёйишда муҳим аҳамиятга эгадир», — деб ёзади Германиянинг «Швебишес Тагблатт» газетаси.

Кинофестивалда фильмларнинг режиссёрлари ҳам иштирок этишди. Кино усталари ва томошабинлар ўртасида бўлиб ўтган ижодий мулоқот давомида Марказий Осиё республикаларидаги кино санъатининг бугунги аҳволи ва келажаги ҳақида фикр алмашилди.

Хусусан, австриялик киножурналист Херберт Крилл мамлакатимизга қилган ижодий сафарлари давомида ўзбек халқи санъати ва маданияти билан яқиндан танишиб, Марказий Осиёда адабиёт ва санъат ривожига беқиёс ҳисса қўшган Алишер Навоий ҳақида фильм яратиш ниятида эканини билдирди.

■ **М. БОБОНАЗАРОВ, «Жаҳон» АА**

## ДЕНГИЗДАН ЭСАР ШАБАДА

Чилла ҳам кирди. Тошкентликлар ва меҳмонлар сўлим жойлар, сув ҳавзалари ва дам олиш масканлари сари ошиқадилар. Саховатли ва жаннатмакон юртимизда эса оромгоҳлар беҳисоб. Денгиз бўйидаги «Колос» дам олиш оромгоҳига етадигани йўқ. 18 та шинам, 2 ва 4 кишилик коттежлар баҳаво. Иккита пляж ва тўртта бассейн ҳамиша гавжум. Дам олиш оромгоҳининг директори Ильдар Сафиулин таъкидлаганидек, бозор иқтисодига ўтиш шароитларида молиявий аҳволига қараб ҳар бир кишининг кўнглидагидек ҳордиқ чиқариши учун имконият яратилган. Дарвоқе, оромгоҳ Тошкент воҳасининг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлган Кендитепа яқинида жойлашган.

■ **Дилафрўз УМАРОВА**

## «ҲАР ДОИМ» ЎРНИГА «ҲАЁТ ЛАЗЗАТИ»

Дунё бўйича бир кунда 1 миллиарддан ортиқ кишини ўз маҳсулоти билан таъминловчи Coca-Cola ўз истеъмолчилари билан алоқасини янада мустаҳкамлаш мақсадида 10 йилдан буён ишлатиб келаётган алоқа тилини янгиламоқда. Эндиликда «Ҳар доим» шиори тарихга айланиб, унинг ўрнини «Ҳаёт лаззати» шиори эгаллаяпти. Киритилган янгилик фақат шундангина иборат бўлиб қолмай, Coca-Cola ўз истеъмолчилари қаршисида маҳсулот қадоқлаш дизайни, реклама воситалари ва бошқа шу сингари ўзгаришларни ўз ичига қамраб олган янги бир имидж билан намоён бўлади. Янги шиор инсонларни ҳаёт хурсандчиликларидан баҳраманд бўлишга ва эзгулик туйғулари билан яшашга ундайди. Киритилаётган янгиликлардан яна бири Coca-Cola ни энг яхши шаклда истеъмол қилиш концепциясидир.

■ **Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

### РОССИЯ — ҲИНДИСТОН МУЗОКАРАЛАРИ

**Деҳлида Россия билан Ҳиндистон ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик масалаларига бағишланган музокараларнинг сўнгги даврасн бошланди. Хабарларга қараганда, томонлар бу борада шартнома имзолашга ҳозирлик кўрмоқда. Бу ҳужжат Россиянинг Ҳиндистонга юзта танк етказиб бериши ва 210 дона танкни Ҳиндистоннинг ўзида ишлаб чиқаришини кўзда тутади. Ҳиндистон томонининг ҳисоб-китобига кўра, шартнома баҳоси 700 миллион АҚШ долларига тенглашади.**

### ҚИРОЛ ИЛТИМОСИ ҚОНДИРИЛДИ

Бутан қироллиги миллий ассамблеяси (парламент) мамлакат тарихида илк бор террорчи гуруҳларга қарши курашда армия кучидан фойдаланиш ҳақида резолюция қабул қилди. Ушбу масала мамлакат парламентида 1997 йилдан буён муҳокама этилиб келаётган эди. Ниҳоят яқинда қирол Жигме Сингай Вангчука террорчилик мамлакат хавфсизлигига жиддий таҳдидга айланиб бораётганини айтиб, депутатларни мазкур ҳужжатни тезроқ қабул қилишга чақирди ва унинг илтимоси қондирилди.

### ЎЛИМ ЖАЗОСИ САҚЛАНИБ ҚОЛАДИ

**Свазиленд қироли Мсвати Учинчи мамлакатда олий жазога ҳукм қилинган жиноятчиларни осиш орқали қатл этиш тартибини ўзгартириш ташаббуси билан чиқди. Айни пайтда 12 нафар жиноятчининг тақдири ана шу ташаббус қандай натижа билан якун топишига боғлиқ бўлиб турибди. Қиролнинг таклифини мамлакат адлия вазири Мавени Симелан ҳам қўллаб-қувватламоқда. У бу усул замон руҳига мос эмаслигини, энди нисбатан енгилроқ усулларни қўллаган маъқуллигини айтди. Бу ўзгаришлар ўз йўлига, лекин нима бўлганда ҳам, мамлакатда барибир ўлим жазоси сақланиб қолиши керак, деди вазир.**

### БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Покистон ва Ироқ ҳукуматлари ўртасида нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳамда янги конларни ўзлаштириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим қабул қилинди. Бағдодда икки кун давом этган музокаралар якунида Ироқ нефть вазири Умар Муҳаммад Рашид ва унинг покистонлик ҳамкасби Усмон Аминуддин шундай ҳужжатга имзо чекди.

### ҲАВО ҲАРОРАТИДАН ЗАРАР КЎРМОҚДА

**Сўнгги кунларда Болқон яриморолида ҳаво ҳарорати жуда юқори. Ҳозир у 40-45 даража атрофида сақланиб турибди. Синоптикларнинг билдиришича, яқин кунлар ичида бу кўрсаткич 50 даражагача етиши мумкин. Маълумотларга кўра, жорий йилда ҳавонинг ҳаддан зиёд иссиқ келиши оқибатида Сербия ва Боснияда ҳар куни ўнлаб гектардаги ўрмон ёниб кулга айланмоқда. Жойларда қишлоқ хўжалиги катта зарар кўрмоқда.**

### СЕССИЯ ИШ БОШЛАДИ

Бухарестда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Парламент ассамблеясининг тўққизинчи сессияси бошланди. Унда 54 мамлакатдан икки юздан зиёд вакил иштирок этмоқда. Сессияда Чечениcтон, Косово, Молдова ва Жануби-Шарқий Европада юзага келган вазиятлар муҳокама қилинади.

### ҲАРБИЙЛАР ЛИВАНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

**Украиналик 60 нафар ҳарбий Ил-76 русумли ҳарбий самолёт билан Ливанга жўнаб кетди. Тез кунларда Байрутга бешта автомобиль ҳам жўнатилади, деб хабар тарқатди Украина мудофаа вазирлигининг матбуот хизмати. Айни пайтда халқаро ҳамжамиятнинг Ливандаги тинчлик ўрнатувчи кучлари таркибида 650 нафар украиналик ҳарбий бор. Улар жамоат тартибини сақлаш, қурилиш, миналарни зарарсизлантириш билан шуғулланмоқда.**

■ **(ЎзА)**



**Ўзбекистонда ғалла ўрим-йиғими.**

**Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат**

## ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Деган гапнинг тўғрилигини Ғаллаорол туманидаги Сарбозор матлубот савдо ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти жамоаси ўз фаолияти давомида исботлади. Чунки, бундан бор-йўғи икки йил муқаддам ушбу корхона иқтисодий инқирозга юз тутган ва уни банкрот деб эълон қилишга бир баҳя қолган эди. Аммо корхона ўтган икки йил ичида қаддини тиклаб олди ва барча қарзларидан қутилиб, бугун фойда кўриб ишлаётган жамоага айланди.

Қандай қилиб дейсизми? Жуда оддий усул билан. Аҳволни таҳлил қилиб чиққан туман ҳокимлиги, корхонани ёш, тадбиркор, ташкилотчи кадрлар билан мустаҳкамлашга қарор қилди. Бу ҳол тез орада ўзининг ижобий самараларини берди. Турли хил сабаблар билан ишламай ётган ёз ноз-неъматларидан мураббо тайёрлайдиган цех ишга туширилди. Олма, ўрик, шафтоли, олхўри, помидор ҳамда қовун шарбати ишлаб чиқарадиган янги линия очилди, томат пастаси тайёрлаш йўлга қўйилди. Кейинроқ корхона тамғаси билан чиқарилаётган маҳсулотлар қаторига салқин ичимликлар, қандолат маҳсулотлари ҳамда бир неча хилдаги макарон ҳам қўшилди.

Аҳиллик, тадбиркорлик ҳамда ишбилармонлик туфайли ишлаб чиқариш ҳажми кенгайиб, маҳсулот хазинаси пул кўрди. Унинг бир қисми олдинги қарзларни тўлашга, бир қисми эса ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфланди.

— Бу йил ҳаммаси бўлиб 1 миллион шартли банка маҳсулот ишлаб чиқаришни мўлжаллаганмиз, — дейди жамият бошқаруви раиси Акром Сатторов. — Чунки, мева-чева сероб. Яна 1 миллион сўмликдан ортиқ салқин ичимликлар, 80 тоннадан ортиқ томат пастаси ишлаб чиқаришни ҳам режалаштирганмиз. Насиб этса, жорий йилни жамоамиз билан камида 2 миллион сўмлик соф фойда билан якунлаймиз. Бунинг учун имкониятлар етарли.

Алқисса, инқироз ёқасига келиб қолган корхонани оёққа турғазган ва уни фойда билан ишлайдиган ҳолатга олиб чиққан жамоанинг ишини кўриб, халқимизнинг «Излаган имкон топади» деган ҳикматли гапи эсга тушади.

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

**ЛУҚМА**

## СУВНИНГ БАҲОСИ ОҚИБАТДАН ҚИММАТМИ?!

Саратон. Қуёш беаёв қиздиради. Ҳамма салқин жой топиш пайида. Сув, шарбат, айрон сотувчиларнинг бозори чаққон. Челак кўтариб сув сотаётган боланинг чакаги тинмайди. «Чўллаганнинг давосидир муздай айрон», — деб бир қизча айрон шопиради. Соябон тагида ўтириб сув сотаётган йигитнинг қўли-қўлига тегмайди. У стаканларни чаярчаймай навбатда турганларга сув узатади. Шу ердан ўтаётган отахон сувсади шекилли тўхтаб чўнтагини ковлади.

— Болам, бир стакан сувингдан бер, чанқоғимни қондириб олай, — деб қўлидаги пулни узатди.

— Ота, пулингиз кам, яна 2 сўм беринг, — пулни суриб қўйиб навбатда турганларга сув қуя бошлади барзанги.

— Болам, бир чақали сувни уялмай-нетмай сўмлаб сотяпсан. Майдам йўқ экан. Қуйиб бера қол. Кейинги сафар берарман, — деди отахон ялингансимон.

— Бу оддий сув эмас, газли. Ранглиси 15 сўм, оқи 10 сўм. Чидасангиз ичинг. Вақтимни олманг, кечқурун касса қиламиз, хўжайин уришади, — зарда қилди йигит.

Шу пайт навбатда турган йигитнинг сабри тугади шекилли «Қарияга қуй, пулни мендан оласан!» — деди. Сотувчи жаҳл билан сув қуйиб отахонга узатди.

Қаранг, бир стакан сув устида шунча гап, шунча машмаша. Одамлар борки, чанқоққа сув бериб, ҳаж савобини топади. Баъзилар эса фақат ўз чўнтаги ташвишида.

Шу ўринда битта гап. Ҳозир 5 сўмлик, 10 сўмлик тангалар бор. Булар муомалада бемалол айланаяпти. Демак, танга ташлаб сув ичадиган вақтлар келди. Шунда автоматларни ишлатиб, стаканларни ҳар ким дидига қараб чаяди. Хоҳласа оқ сув, хоҳласа сиропли сув ичади. Шунда пулингиз давлатнинг кассасига тушаётганини ўйлаб, бемалол сув ичасиз. Наҳотки, шу муаммони ҳал қиладиган бирор ташкилот йўқ?! Шаҳри азим Тошкентимизда бордир чанқаганларнинг ҳожатини чиқарадиганлар. Шаҳар савдо департаментидагилар буни ўйлаб кўришар.

■ **Юнус ЗИЁДОВ**

